

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Yo’lqurilish” АЖ
ягона акциядорининг
2022 йил “08” июлдаги
77/08-2-қр – сонли Қарори
12-илова**

**“YO’LQURILISH” АЖДА
МАЖБУРИЙ АУДИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ
ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги таҳрир)**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий Қоидалар
- II. Танлов Комиссияси
- III. Танловга тайёргарлик күриш ва танловда қатнашиш учун буюртмаларни қабул қилиш
- IV. Аудиторлик хизматларини күрсатишга бўлган чекловлар
- V. Танлов хужжатларининг мазмуни
- VI. Танлов аризаларини бериш тартиби
- VII. Танлов таклифининг амал қилиш муддати
- VIII. Танлов хужжатларига ўзгартириш ва (ёки) тузатишлиар (аниқликлар) киритиши
- IX. Танловни ўтказиш тартиби. баҳолаш услубиёти
- X. Махфийликка амал қилиш
- XI. Танлов натижаларини эълон қилиш ва расмийлаштириш
- XII. Низоларни ҳал этиш тартиби
- XIII. Якуний қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Yo’lqurilish” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) йиллик мажбурий аудитини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ташкил этиш шартларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунининг 10-моддасига мувофиқ бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботининг йиллик мажбурий аудитини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотни танлаш бўйича танлов (кейинги ўринларда – танлов) ҳар йили ўтказилади ва очик ҳисобланади. Танлов ўтказиш тўғрисидаги хабар Корпоратив ахборот ягона порталаида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

3. Жамият Ижроия органи (кейинги ўринларда – Танлов ташкилотчиси) Жамият Кузатув кенгашининг топшириғига кўра танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

4. Танлов ташкилотчига танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун қуидагилар зарур:

а) танлов ғолибини аниқлаш учун танлов ҳужжатларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

б) аудиторлик ташкилотларига юбориш учун танлов таклифини тайёрлаш;

в) танловда қатнашишга қарор қилган ҳар бир аудиторлик ташкилоти тақдим этиши лозим бўлган танлов ҳужжатлари рўйхатини белгилаш;

г) танлов иштирокчиларига тақдим этиладиган Жамиятнинг молияхўжалик фаолиятига доир ахборотлар рўйхатини тузиш;

д) танловни ўтказиш муддатларини белгилаш;

е) Жамиятнинг бизнес-режасига мувофиқ жалб этиладиган аудиторлик хизматларининг энг кўп чекланган қийматини белгилаш.

5. Жалб этиладиган хизматларнинг шартли қийматини белгилашда қуидаги омиллар эътиборга олинади:

а) ўтган ҳисбот даври учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгарганлигини ва фаолият турларининг кенгайганлигини тузатган ҳолда, аудиторлик хизматлари харажатлари;

б) корхонанинг бизнес-режаси билан режалаштирилган жорий йилдаги аудиторлик хизматлари харажатлари;

в) техник топшириқдаги корхонада аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича янги қонун ҳужжатлари талаблари қабул қилиниши билан боғлиқ ўзгаришлар (мисол учун, БХМС дан МХХСга трансформация қилинган молиявий ҳисбот аудити);

г) консолидациялашган молиявий ҳисбот аудити, аудитнинг халқаро стандартлари бўйича аудит, ва бошқалар.

II. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ

6. Танлов ташкилотчисидан аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов ўтказиш зарурати тўғрисида билдириш олингандан кейин, Жамиятда маҳсус танлов комиссияси (кейинги ўринларда – танлов комиссияси) тузилади.

7. Танлов комиссияси таркибига камидаги 3 киши киради.

8. Танлов комиссиясининг шахсий таркиби Жамият Бошқарув раиси томонидан белгиланади ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

9. Танлов комиссиясининг раиси ва котиби Жамият Бошқаруви раиси томонидан тайинланади.

10. Танлов комиссияси таркибига ички аудит хизмати раҳбарни киритилади, шунингдек профессионал бирлашмалар вакиллари, аудиторлар ва учинчи шахс ҳисобланадиган мустақил мутахассислар киритилиши мумкин.

11. Танлов натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган шахслар, ёхуд уларга танлов иштирокчилари таъсир ўтказиши мумкин бўлган шахслар танлов комиссияси аъзолари бўлиши мумкин эмас.

12. Танлов комиссиясининг мажлиси унинг аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми мажлисда ҳозир бўлганда ваколатлидир.

13. Танлов комиссиясининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

а) танлов таклифлари солинган конвертларни очиш;

б) танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш;

в) конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш бўйича тузиладиган баённомаларни расмийлаштириш.

14. Танлов комиссияси қўйидагиларга мажбур:

а) ахборот картасида кўрсатилган кун, вақт ва жойда танлов аризалари солинган конвертларни оммавий тарзда очиш;

б) танлов аризаларини иштирокчиларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан қўриб чиқиш;

в) конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш бўйича тузиладиган баённомаларни расмийлаштириш;

г) танловни ўтказишида танлов иштирокчилари билан музокаралар ўтказмаслик.

15. Танлов комиссияси аъзолари қўйидагиларга мажбур:

а) ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига амал қилиш;

б) танлов комиссиясининг мажлисларида шахсан иштирок этиш, танлов комиссиясининг ваколатига киртилган масалалар бўйича ҳаракатлар амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш;

в) ўзлари иштирок этган тадбирда конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш бўйича тузиладиган баённомаларни шахсан имзолаш;

г) мезонларга мувофиқ ва ушбу Низомда белгиланган тартибда ва танлов таклифларини баҳолаш бўйича ҳар бир мезон бўйича танлов таклифларига баҳо бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) танловни ўтказиш давомида уларга маълум бўлган давлат, хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг маҳфийлигига риоя этиш.

16. Танлов комиссияси аъзолари қўйидагиларга ҳақли:

а) танловга тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар билан танишиш;

б) танлов комиссиясининг мажлисларида кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш;

в) конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш баённомасининг тўғри тузилганлигини, шу жумладан баённомада ўз маъruzасининг тўғри баён этилганлигини текшириш;

г) қайси масалага тааллуқли эканлигини инобатга олган ҳолда, конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш баённомасига қўшиб қўйиладиган ўзининг алоҳида фикр-мулоҳазасини ёзма ифодалаш.

17. Танлов комиссияси раиси:

а) танлов комиссиясига умумий раҳбарликни амалга оширади ва ушбу Низомнинг бажарилишини таъминлайди;

б) танлов комиссиясининг мажлисларини ўтказиш жадвалини тасдиқлайди;

в) мажлисни ўтказиш тартибини белгилайди, танлов комиссияси мажлисини очади, олиб боради ва ёпади, унинг шахсий таркибини эълон қиласди;

г) мажлисда аудио ёзув юритилишини таъминлайди ва танлов иштирокчилари томонидан танлов аризалари солинган конвертларнинг очилишини аудио ва видео ёзувга олиш имкониятини беради;

д) конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш баённомасини имзолайди;

е) танлов ғолибини эълон қиласди.

18. Танлов комиссияси котиби:

а) танлов комиссияси мажлисларини тайёрлашни, шу жумладан зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни ва жўнатишни амалга оширади, танлов комиссияси аъзоларини уларнинг вазифаларига тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича, шу жумладан мажлисни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади ва танлов комиссияси аъзоларини зарур материаллар билан таъминлайди;

б) танлов комиссияси мажлисларини ўтказиш жадвалини тайёрлайди ва уни танлов комиссияси раисига тасдиқлаш учун тақдим этади;

в) танлов комиссиясининг мажлисида конвертларни очиш, танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш ва танлов натижаларини аниқлаш баённомасини расмийлаштиради.

19. Ушбу Низомнинг бузилишида айбордor деб топилган танлов комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**III. ТАНЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ТАНЛОВДА
ҚАТНАШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

20. Танлов комиссияси котиби Жамият тўғрисидаги умумий маълумотлар билан танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни тайёрлайди ва аудиторлик ташкилотларига юборади.

Танлов комиссияси томонидан тасдиқланган эълон матни қўйидаги ахборотни ўз ичига олиши зарур:

а) Жамиятнинг номи, жалб этилаётган аудиторлик хизматлари тури, аудиторлик текшируви ўтказиш лозим бўлган молия-хўжалик фаолияти (календар йили) даври;

б) танлов иштирокчиларидан сўраладиган ахборотлар рўйхати;

в) аудиторлик ташкилоти қўшимча ахборот учун Жамиятга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборот;

г) Жамиятнинг почта ва юридик манзили, Жамият масъул шахсининг телефон рақами ва Ф.И.Ш., танлов ҳужжатларини топширишнинг сўнгги муддати, танловни ўтказиш қуни.

21. Танлов тўғрисидаги эълон республика миқёсидаги Корпоратив ахборот ягона порталида ва корхонанинг веб-сайтида жойлаштирилади ва/ёки аудиторлик ташкилотларига бевосита юборилади.

Бунда танланган аудиторлик корхоналарининг сони камида 2 та бўлиши керак ва уларнинг барчаси аудиторлик текширувлари бўйича лицензияга эга бўлиши лозим. Танлов таклифларини тақдим этиш муддати очиқ матбуотда эълон қилинган кундан ёки таклиф юборилган кундан эътиборан камида 2 ҳафтани ва кўпи билан 1 ойни ташкил этади.

22. Аудиторлик ташкилоти танловда иштирок этиш учун раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган эркин шаклда расмийлаштирилган розилик хатини (кейинги ўринларда – хат) юборади.

23. Аудиторлик ташкилотларига танлов ўтказилиши тўғрисида хабар билдирилган санадан эътиборан етти тақвим куни ичидан танлов комиссияси котиби манфаатдор аудиторлик ташкилотларининг хатларини йигади.

IV. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШГА БЎЛГАН ЧЕКЛОВЛАР

24. Аудит:

а) аудиторлик текшируви даврида Жамиятга бухгалтерлик ҳисобини ўрнатиш, тиклаш ва юритиш, шунингдек молиявий ҳисобот тузиш бўйича профессионал хизматлар кўрсатган;

б) кетма-кет уч йилдан ортиқ вақт давомида Жамият молия-хўжалик фаолиятининг аудиторлик текширувини ўтказган;

в) Жамият ушбу аудиторлик ташкилотининг мулқдори, иштирокчиси, акциядори ва кредитори ҳисобланган;

г) мулқдор, иштирокчи, акциядор, ички аудитор, шунингдек Жамиятда молиявий ҳисобот тузиш ва бухгалтерлик ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш учун масъул шахс бир вақтнинг ўзида ушбу аудиторлик ташкилотининг мулқдори, иштирокчиси ва муассиси ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилиши мумкин эмас.

25. Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича танловда иштирок этишга шунингдек:

а) Жамиятга охирги 2 йил давомида сифатсиз аудиторлик хизматини кўрсатган;

б) талаб этилган хужжатларнинг тўлиқ пакетини тақдим этмаган;

в) ишонарсиз маълумотлар тақдим этган;

г) таклифнинг тижорат қисмини ёпилмаган ва/ёки тамғаланмаган конвертда тақдим этган аудиторлик ташкилотлари ҳам қўйилмайди.

Танловда иштирок этишга мол-мулки ҳибса олинган, лицензиясининг амал қилиши тўхтатилган, шунингдек ночор (банкрот) деб эътироф этилиб, тугатиш жараёнида бўлган аудиторлик ташкилоти ҳам қўйилмайди.

26. Куйидаги шахсларга аудитни ўтказиш таъқиқланади:

а) Жамиятнинг раҳбарлари, бухгалтерия ходимлари ва/ёки Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндошлиқ муносабатида бўлган шахс;

б) Жамиятда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатга эга бўлган шахс;

в) Жамият ходими, Жамият ички аудитори.

27. Танлов ташкилотчиси томонидан белгиланган талаблар танловнинг барча иштирокчилари учун ягона ҳисобланади.

V. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

28. Танлов комиссиясининг котиби хатларни йиғиш яқунлангандан кейин беш календар кунидан кечиктирмай, манфаатдор аудиторлик ташкилотларига танловда иштирок этиш учун таклифнома ва қуидагиларни ўз ичига киритган танлов ҳужжатларини юборади:

- а) танлов буюртмасини тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича аниқ маълумотларни ўз ичига олган танлов аризасининг ахборот картаси (1-илова);
- б) танловда иштирок этиш учун танлов аризасининг шакли (2-илова);
- в) малакали ходимлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар шакли (3-илова);
- г) қийматни асослаш шакли (4-илова);
- д) молиявий таклиф шакли (5-илова);
- е) ушбу текширувда иштирок этиш учун таклиф қилинган мутахассислар малакасини баҳолаш шакли (6-илова);
- ж) тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати шакли (7-илова).

VI. ТАНЛОВ АРИЗАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

29. Танловда иштирок этишга таклифнома юборилган санадан эътиборан 25 календар куни ичида аудиторлик ташкилотлари танлов комиссияси котибига ушбу ҳужжатда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган конвертда таклиф юборишиди.

30. Очиқ конвертда қуидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- а) танловда иштирок этиш учун илова қилинаётган шаклга мувофиқ танлов аризаси (2-илова);
- б) иловага мувофиқ шаклдаги тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати (7-илова);
- в) текширувда иштирок этадиган аудиторларнинг малака сертификатлари нусхалари, аудиторлик текшируви иштирокчисида халқаро ҳисобчи, қимматли қофозлар бозори мутахассиси, солиқ маслаҳатчиси малакалари мавжудлигини тасдиқлайдиган сертификатларнинг нусхалари ва ҳоказолар;
- г) аудитор (аудиторлар)нинг аудиторларнинг республика профессионал бирлашмалари ўкув марказларининг малака ошириш курсларида таҳсил олганлигини, шу жумладан аудитнинг халқаро

стандартлари (АХС) ва молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МХХС) бўйича малака оширганлигини тасдиқлайдиган гувоҳномаларнинг нусхалари;

д) таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзоликни тасдиқловчи ҳужжатнинг раҳбар имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқланган нусхаси;

ж) ўтган йил натижаларига кўра республика аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини рейтинг баҳолашда иштирок этганлигини тасдиқловчи ахборот;

з) аудиторлик ташкилотининг охирги 3 йил ичида ташқи сифат назоратидан ўтганлигини тасдиқловчи ахборот;

и) аудиторлик ташкилотининг охирги йиллик бухгалтерлик балансининг, охирги ҳисобот санасидаги баланснинг ва охирги 3 йил ичидаги фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг ариза берувчи томонидан тасдиқланган нусхалари;

к) буюртмачининг фаолиятига тегишли тармоқ (соҳа) корхоналарида аудит ўтказиш тажрибасига эга эканлиги тўғрисидаги раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган маълумотнома;

л) аудиторлик фаолиятини амалга оширишда профессионал жавобгарлик сугурта полисининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

м) аудиторлик ташкилоти муассислари таркибида, унинг бошқарув органларида ва аудиторлари орасида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларида мансабга эгалик қиласидаги ходимларга аффилланган шахслар мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;

н) охирги 3 йил ичида сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказганлиги ёки маҳфийлик тамойилини бузганлиги учун молиявий ҳисоботнинг манфаатдор фойдаланувчилари томонидан эътироф этилган талабномалар ва қондирилган даъволарнинг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;

о) аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияни охирги 3 йил ичида тўхтатиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

31. Алоҳида ёпик конвертларда техник ва молиявий таклифлар тўғрисидаги ахборот бўлиши зарур.

32. Техник таклиф солинган конверт ичида қўйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

а) аудиторлик хулосасининг намунаси;

б) илгари ўтказилган текширув бўйича ёзма ахборот (аудиторлик ҳисботи) намунаси (ташкилотнинг номи ва бошқа идентификацион белгиларни кўрсатмаган ҳолда);

в) аудитни амалга ошириш услубиёти, шу жумладан унинг режаси ва ўтказиш муддати;

г) аудит ўтказиш учун таклиф этилаётган мутахассисларнинг малакасини белгиланган шакл бўйича баҳолаш (6-илова). Ушбу шаклга аудиторларнинг – аудиторлик ташкилотининг штат жадвалига киритилган ходимларнинг аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун амал қилиш муддати белгиланган тартибда узайтирилган малака гувоҳномаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари, шунингдек штатдаги аттестациядан ўтган аудиторлар меҳнат дафтарчаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

33. Молиявий таклиф солинган конверт ичида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

а) белгиланган шаклга мувофиқ қийматни асослаш (4-илова);

б) белгиланган шаклга мувофиқ молиявий таклиф, шу жумладан устама харажатлар (агар қўлланилса) ва ҚҚС (5-илова);

34. Барча конвертлар битта ташқи йирик конвертга солиниб, юборувчининг манзилини аниқ кўрсатган ҳолда, тамғаланиши лозим. Ташқи конверт устида танлов номи қайд этилиши зарур. Ёпиқ ички конвертлар устида «танлов ўтказилмагунга қадар очилмасин» сўзлари қайд этилиши лозим.

35. Танлов аризасининг валютаси – ўзбек сўми.

36. Барча келиб тушган таклифлар танлов комиссиясининг котиби томонидан танлов таклифларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади.

37. Техник ва молиявий таклифлар солинган конвертлар танлов комиссияси котибида танлов комиссиясининг мажлиси ўтказилгунга қадар тамғаланган ҳолда сақланади.

38. Танлов аризасининг ахборот картасида кўрсатилган танлов таклифларини қабул қилиш муддати якунлангандан кейин келиб тушган танлов аризалари шунингдек, танлов таклифларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади, бироқ конвертларни очиш пайтида очилмаган ҳолда танлов иштирокчисига қайтарилади ва танловда иштирок этишга қўйилмайди (кўриб чиқилмайди).

39. Танлов иштирокчиларидан олинган барча ҳужжатлар танлов комиссияси ихтиёрида қолади ва ўз эгаларига қайтарилмайди.

VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

40. Танлов таклифи танлов таклифларини очиш санасидан эътиборан танлов аризасининг ахборот картасида кўрсатилган вақт давомида ўз кучида қолиши лозим. Қисқа амал қилиш муддатига эга таклиф танлов шартларига мувофиқ келмаганлиги сабабли рад этилади.

VIII. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ТУЗАТИШЛАР(АНИҚЛИКЛАР) КИРИТИШ

41. Танлов ташкилотчиси иштирокчиларга танлов аризасини тайёрлашда тузатишларни ҳисобга олиш учун етарли вақт тақдим этиш шарти билан танлов ҳужжатлариға ўзгартеришлар киритиши мумкин.

42. Танлов ташкилотчиси зарур ҳолларда танлов аризаларини бериш муддатини кейинга суриши мумкин. Танлов аризаларини бериш муддати якунлангандан кейин танлов ҳужжатлариға ҳеч қандай ўзгартериш киритилиши мумкин эмас.

43. Танлов ҳужжатлариға киритилган ўзгартеришлар ва/ёки тузатишлар (аниқликлар) ёзма шаклда барча манфаатдор танлов иштирокчиларига жүнатиласы.

IX. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ, БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

44. Танлов комиссияси танлов таклифларини кўриб чиқишда тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини, уларнинг танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқлигини текшириб, ишонч ҳосил қиласи.

45. Аудиторлик ташкилотларининг техник ва молиявий таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади, даставвал техник конвертлар солинган конвертлар очилади. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий таклифлари мухрланган ҳолда қолади ва техник таклифлар баҳолангандан кейин очилади.

46. Биринчи босқичда танлов комиссияси томонидан техник таклифни баҳолаш амалга оширилади, бунда ҳар бир мезон бўйича максимал балл қуидаги кўринишни ташкил этади:

- 3 балл – барча хўжалик юритувчи субъектлар текширувани амалга ошириш лицензияси мавжудлиги учун;
- 1 балл – 6 дан юқори ҳар бир аудитор учун, шунингдек CIPA и Dipfir нинг ҳар бир эгаси учун;
- 1 балл – қимматли қофозлар бозори бўйича ҳар бир мутахассис учун;
- 1 балл – ҳар бир солик маслаҳатчиси учун;
- 3 балл – шунга ўхшаш компаниялар хўжалик бошқарув органларининг тавсия хатлари мавжудлиги учун;
- 5 балл – кейинги 3 йил давомида аудитнинг миллий стандартлари бўйича шунга ўхшаш хўжалик бошқаруви органларининг амалий тажрибаси мавжудлиги учун;
- 5 балл – аудиторлик ташкилоти компанияга кейинги 2 йил давомида аудиторлик хизматлари кўрсатган ҳолларда;

- 10 балл – аудиторлик ташкилотининг аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоғига кирганлиги учун;

- 10 балл – аудиторлик ташкилотининг кейинги йиллар давомида аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоғи вакили томонидан ўтказилган ташқи сифат назоратидан ўтганлиги учун;

- макс. 5 балл – аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан ўтказилган ташқи сифат назоратидан ўтганлиги учун;

- 3 балл – камида 1 млрд. сўм миқдордаги суғурта полиси мавжудлиги учун;

- аудиторлик ташкилотининг ўтган йил якунларига қўра рейтинг натижалари бўйича:

- 5 балл - «A++» гуруҳида;

- 4 балл - «A+» гуруҳида;

- 3 балл - «A» гуруҳида;

- 2 балл - «B++» гуруҳида;

- 1 балл - «B+» гуруҳида.

Макс. 3 балл – аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолик учун;

- Макс. 3 балл – Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлининг устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига кирганлик учун;

- ҳар бир йил учун 0,5 балл, бироқ 5 баллдан ортиқ бўлмаган тартибда – аудиторлик ташкилотининг бозордаги фаолият муддати бўйича.

47. Танлов комиссияси иккинчи босқичда аудиторлик ташкилотларининг молиявий таклифларини баҳолайди.

48. Аудиторлик ташкилотининг тижорат таклифини баҳолаш қўйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$Sf = 100 \times Fm/F, \text{ бу ерда}$$

Sf – молиявий баҳо;

Fm – аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф этилган энг кам нарх;

F – кўриб чиқилаётган таклифнинг нархи.

49. Танлов комиссияси аудиторлик ташкилотининг техник ва молиявий таклифини баҳолаш якунлангандан кейин ҳар икки натижани қўйидаги коэффициентларни ҳисобга олиб, қўшади:

техник таклифни баҳолаш – 0,8;

молиявий таклиф баҳолаш – 0,2.

Х. МАХФИЙЛИККА АМАЛ ҚИЛИШ

50. Танлов буюртмаларини ўрганишга, тушунтиришга, баҳолашга ва қиёслашга доир ахборот танлов натижалари эълон қилинмасдан туриб, танлов иштирокчиларига ёки бошқа бегона шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас.

XI. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

51. Танлов натижаларига кўра энг юқори балл олган аудиторлик ташкилоти танлов ғолиби деб эътироф этилади.

52. Баллар тенглиги кузатилганда, танлов аризаси олдин тақдим этилган аудиторлик ташкилоти ғолиб деб эътироф этилади.

53. Танлов комиссиясининг қарори танлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

54. Танлов комиссияси танлов ғолиби деб топилган аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган танлов материалларини ишончлилигини 3 иш куни ичида текширишни амалга оширади.

55. Бузиб қўрсатилган ва тасдиқланмаган маълумотлар аниқланган ҳолларда, танлов натижаларига кўра иккинчи ўринни олган аудиторлик ташкилоти билан, танлов ғолибига тегишли хабар жўнатган ҳолда, шартнома тузилади.

56. Маълумотлар тасдиқланган тақдирда, Жамият раҳбари томонидан тасдиқланадиган танлов комиссиясининг баённомаси тузилади.

57. Агар танлов натижаларига кўра иккинчи ўринни олган аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ҳам тасдиқланмаса, танлов бўлиб ўтмаган деб, эътироф этилади. Танлов комиссияси тегишли баённома тузади ва уни тасдиқлаш учун Жамият раҳбарига тақдим этади, танлов эса қайтадан ўтказилади.

58. Танлов натижалари аниқлангандан кейин Танлов ташкилотчиси аудиторлик ташкилоти номзоди – танлов ғолиби бўйича ахборотни Жамиятнинг бошқарув органи муҳокамасига тақдим этади.

59. Аудиторлик ташкилотини танлаш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланади. Танлов ғолиби тасдиқлангандан кейин 30 календарь кунидан кечиктирмай, мажбурий аудит ўтказиш тўғрисида шартнома имзолайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

60. Танлов ташкилотчиси ва танлов комиссияси томонидан танловни ўтказиша қабул қилинган қарорлар устидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

XIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

61. Жамият аудиторлик ташкилотининг танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўйича харажатларини қопламайди.

62. Зарур бўлганда аудиторлик ташкилотларидан танлов предмети бўйича қўшимча ахборотлар сўралади.

63. Танлов иштирокчиларидан олинган ҳужжатлар ва танлов комиссиясининг баённомалари Жамиятда уч йил давомида сақланади.

64. Жамият нотўғри маълумотлар тақдим этган аудиторлик ташкилотини суд тартибида жавобгарликка жалб этиши мумкин.

Танлов аризасининг ахборот картаси

Ахборот картаси танлов буюртмасини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган аниқ маълумотларни ўз ичига олади.

Номи	
Буюртмачининг номи: «_____» АЖ	
Буюртмачининг юридик манзили:	
Буюртмачининг почта манзили:	
Танлов аризаларини тақдим этиш учун манзил:	
Танлов предмети:	
Танлов тури: очиқ	
Танлов ташкилотчиси:	
Аудитни ўтказиш босқичлари:	
Максимал нарх:	
Аудиторлик хулосасини тақдим этиш муддати:	
Танлов аризасини бериш муддати:	
Конвертларни расмийлаштириш: барча конвертлар (очиқ конверт, техник таклиф солинган ёпиқ конверт ва молиявий таклиф солинган ёпиқ конверт) битта ташқи йирик конвертга солиниб, юборувчининг манзилини аниқ кўрсатган ҳолда, тамғаланиши лозим. Ташқи конверт устида танлов номи қайд этилиши зарур. Ёпиқ ички конвертлар устида «танлов ўтказилмагунга қадар очилмасин» сўзлари қайд этилиши лозим.	
Очиқ конвертга солинадиган хужжатлар таркиби:	
<ul style="list-style-type: none"> • танловда иштирок этиш учун илова қилинаётган шаклга мувофиқ танлов аризаси(2-илова); • текширувда иштирок этадиган аудиторларнинг малака сертификатлари нусхалари, аудиторлик текшируви иштирокчисида халқаро ҳисобчи, қимматли қофозлар бозори мутахассиси, солиқ маслаҳатчиси малакалари мавжудлигини тасдиқлайдиган сертификатларнинг нусхалари ва ҳоказолар; • аудитор(аудиторлар)нинг аудиторларнинг республика профессионал бирлашмалари ўқув марказларининг малака ошириш курсларида таҳсил олганлигини, шу жумладан аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) ва молиявий ҳисбот халқаро стандартлари (МХХС) бўйича малака оширганлигини тасдиқлайдиган гувоҳномаларнинг нусхалари; • таъсис хужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари; • аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзоликни тасдиқловчи хужжатнинг раҳбар имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқланган нусхаси; 	

- ўтган йил натижаларига кўра республика аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини рейтинг баҳолашда иштирок этганлигини тасдиқловчи ахборот;
- аудиторлик ташкилотининг охирги 3 йил ичида ташқи сифат назоратидан ўтганлигини тасдиқловчи ахборот;
- аудиторлик ташкилотининг охирги йиллик бухгалтерлик балансининг, охирги ҳисббот санасидаги баланснинг ва охирги 3 йил ичидаги фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбботларнинг ариза берувчи томонидан тасдиқланган нусхалари;
- буюртмачининг фаолиятига тегишли тармоқ (соҳа) корхоналарида аудит ўтказиш тажрибасига эга эканлиги тўғрисидаги раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган маълумотнома;
- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда профессионал жавобгарлик суғурта полисининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- аудиторлик ташкилоти муассислари таркибида, унинг бошқарув органларида ва аудиторлари орасида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларида мансабга эгалик қиласидаги ходимларга аффилланган шахслар мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;
- охирги 3 йил ичида сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказганлиги ёки маҳфийлик тамоилини бузганлиги учун молиявий ҳисбботнинг манфаатдор фойдаланувчилари томонидан эътироф этилган талабномалар ва қондирилган даъволарнинг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;
- аудиторлик текширувларини ўтказиш хуқуқини берувчи лицензияни охирги 3 йил ичида тўхтатиш фактлари тўғрисидаги ахборот.
- Тақдим этилган хужжатлар рўйхати, иловадаги шаклга мувофиқ (7-илова).

Техник таклиф солинган ёпиқ конверт ичида бўлиши лозим хужжатлар таркиби:

- аудиторлик хулосасининг намунаси;
- илгари ўтказилган текширув бўйича ёзма ахборот (аудиторлик ҳисбботи) намунаси (ташкилотнинг номи ва бошқа идентификацион белгиларни кўрсатмаган ҳолда);
- аудитни амалга ошириш услубиёти, шу жумладан унинг режаси ва ўтказиш муддати;
- аудит ўтказиш учун таклиф этилаётган мутахассисларнинг малакасини белгилangan шакл бўйича баҳолаш (9-илова). Ушбу шаклга аудиторларнинг – аудиторлик ташкилотининг штат жадвалига киритилган ходимларнинг аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун амал қилиш муддати белгилangan тартибда узайтирилган малака гувоҳномаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари, шунингдек штатдаги аттестациядан ўтган аудиторлар меҳнат дафтарчаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари илова қилинади.
-

Молиявий таклиф солинган ёпиқ конверт ичида бўлиши лозим хужжатлар таркиби:

- белгиланган шаклга мувофиқ қийматни асослаш (4-илова);
- белгиланган шаклга мувофиқ молиявий таклиф, шу жумладан устама харажатлар (агар қўлланилса) ва ҚҚС (4-илова).

Танлов аризасининг валютаси: ўзбек сўми.

Барча келиб тушган таклифлар танлов комиссиясининг котиби томонидан танлов таклифларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади.

Танлов аризасининг ахборот картасида қўрсатилган танлов таклифларини қабул қилиш муддати якунлангандан кейин келиб тушган танлов аризалари шунингдек, танлов таклифларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади, бироқ конвертларни очиш пайтида очилмаган ҳолда танлов иштирокчисига қайтарилади ва танловда иштирок этишга қўйилмайди (кўриб чиқилмайди).

Танлов таклифларини очиш санасидан эътиборан камида 30 календар куни давомида. Қисқа амал қилиш муддатига эга таклиф танлов шартларига мувофиқ келмаганлиги сабабли рад этилади.

Танлов ташкилотчиси иштирокчиларга танлов аризасини тайёрлашда тузатишларни ҳисобга олиш учун етарли вақт тақдим этиш шарти билан танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Техник ва молиявий таклифларни баҳолаш Низом асосида фаолият юритадиган танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Техник ва молиявий таклифлар солинган конвертлар танлов комиссияси котибида танлов комиссиясининг мажлиси ўтказилгунга қадар тамғаланган ҳолда сакланади.

Танлов икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич – техник таклифларни баҳолаш.

Иккинчи босқич – молиявий таклифларни баҳолаш.

Танлов буюртмаларини баҳолаш мезонлари:

- **Техник таклифни баҳолаш** – балл шкаласида ўтказилади, бунда ҳар бир мезон бўйича максимал балл қўйидаги қўринишни ташкил этади:
 - 1 балл – 6 дан юқори ҳар бир аудитор учун, шунингдек CIPA ва Diffir нинг ҳар бир эгаси учун;
 - 1 балл – қимматли қофозлар бозори бўйича ҳар бир мутахассис учун;
 - 1 балл – ҳар бир солиқ маслаҳатчиси учун;
 - 3 балл – шунга ўхшаш компанияларнинг хўжалик бошқарув органларининг тавсия хатлари мавжудлиги учун;
 - 5 балл – кейинги 3 йил давомида аудитнинг миллий стандартлари бўйича шунга ўхшаш хўжалик бошқарув органларининг амалий тажрибаси мавжудлиги учун;
 - 5 балл – аудиторлик ташкилоти компанияга кейинги 2 йил давомида аудиторлик хизматлари кўрсатган ҳолларда;

- 10 балл – аудиторлик ташкилотининг аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоғига кирганлиги учун;
- 10 балл – аудиторлик ташкилотининг кейинги йиллар давомида аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоғи вакили томонидан ўтказилган ташқи сифат назоратидан ўтганлиги учун;
- макс. 5 балл – аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан ўтказилган ташқи сифат назоратидан ўтганлиги учун;
- 3 балл – камида 1 млрд.сўм миқдордаги сугурта полиси мавжудлиги учун;
- аудиторлик ташкилотининг ўтган йил якунларига кўра рейтинг натижалари бўйича:
 - 5 балл - «A++» гуруҳида;
 - 4 балл - «A+» гуруҳида;
 - 3 балл - «A» гуруҳида;
 - 2 балл - «B++» гуруҳида;
 - 1 балл - «B+» гуруҳида.
- Макс. 3 балл – аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолик учун;
- Макс. 3 балл – Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига кирганлик учун;
- ҳар бир йил учун 0,5 балл, бироқ 5 баллдан ортиқ бўлмаган тартибда – аудиторлик ташкилотининг бозордаги фаолият муддати бўйича.

Молиявий таклифни баҳолаш:

Аудиторлик ташкилотининг тијорат таклифини баҳолаш (хизматлар қиймати) қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$Sf = 100 \times Fm/F, \text{бу ерда}$$

Sf – молиявий баҳо;

Fm – аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф этилган энг кам нарх;

F – кўриб чиқилаётган таклифнинг нархи.

Баҳолаш натижалари: икки натижа қуйидаги коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда қўшилади:

Техник таклифни баҳолаш - 0,8,

Молиявий таклифни баҳолаш - 0,2.

Танлов ғолиби: энг юқори балл олган аудиторлик ташкилоти.

Баллар тенглиги кузатилганда, танлов аризаси олдин тақдим этилган аудиторлик ташкилоти ғолиб деб эътироф этилади.

Танлов комиссияси мажлисини ўтказиш санаси ва вақти:

Аудиторлик ташкилотини танлаш түғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шартнома имзолаш учун зарур муддат:

Қарор тасдиқланган кейин 30 календар кунидан кечиктирмай, танлов ғолиби аудиторлик текшируви ўтказиш түғрисида шартнома имзолайди.

Бузиб кўрсатилган ва тасдиқланмаган маълумотлар аниқланган ҳолларда, танлов натижаларига қўра иккинчи ўринни олган аудиторлик ташкилоти билан, танлов ғолибига тегишли хабар жўнатган ҳолда, шартнома тузилади.

**«Йўлқурилиш» АЖда
мажбурий аудитини амалга ошириш учун аудиторлик
ташкilotларини танлаш бўйича танловда иштирок этиш учун
ТАНЛОВ АРИЗАСИ**

« ____ » _____ 200__ й. _____ ш.

Ташкilot

(буортма берадиган аудиторлик ташкilotининг тўлиқ номи)
асосида иш кўрувчи _____,
(хужжат номи) (фамилия, исми, отасининг исми)

«Йўлқурилиш» АЖда мажбурий аудитини амалга ошириш учун аудиторлик ташкilotларини танлаш бўйича танловда иштирок этиш учун ариза юборади ва танлов ўтказиш тўғрисидаги танлов хужжатларида қайд этилган танлов шартларига амал қилишни ўз зиммасига олади.

Танлов аризасига қўйидагилар илова қилинади:

1. Талаб қилинаётган хужжатлар _____ варақда.
2. Хужжатлар рўйхати _____ варақда (2-нусхада).

Ташкilot раҳбари имзоси
(унинг ваколатли вакили) _____

« ____ » _____ 20__ й.

М.Ў.

Ариза рўйхатга олинди:

Соат _____ дақиқа _____ « ____ » _____ 200__ й. № _____

Комиссия котиби имзоси _____ / _____ /

**МАЛАКАЛИ ХОДИМЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ТҮҶРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

№ т/р	Ф.И.Ш., мансаби	Аудиторнинг малака гувоҳномаси (рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати)	Аудиторлик ташкилотида ги иш даври	СРОга аъзолик тўғрисидаги маълумотлар
1	2	3	4	
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				

Ташкилот раҳбари имзоси
(унинг ваколатли вакили) _____ / _____ /

« _____ » _____ 20__й.

М.Ў.

ҚИЙМАТНИ АСОСЛАШ

№т/р	Аудиторлик текшируви босқичи номи	1 кишига соатлик юклама	Мутахассислар сони	Техник топшириққа мувофиқ текширув ўтказишга вақт мөйёри (Зуст. * 4уст.)	Ставкаси (ҚҚСсиз)	Босқичнинг умумий қиймати (ҚҚСсиз) (5уст.*буст.)	Босқичнинг умумий қиймати шу жумладан ҚҚС (7уст. * 18%)
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							
6							
ва б.							
	ЖАМИ						

Ташкилот раҳбари имзоси
(унинг ваколатли вакили) _____ / _____ /

« _____ » _____ 20 ____ й.

М. Ў.

МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФ

Ташкилот

(ариза берәётган аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи)
асосида иш кўрувчи _____,
(хужжат номи) (фамилия, исми, отасининг исми, мансаби)

_____ кун давомида ташкилотимиз томонидан қўрсатиладиган хизматга
таклиф қилинаётган қиймат ўзгармайди ва _____(_____)
сўмни, шу жумладан ҚҚС _____(_____) сўм миқдорни ташкил этади.

Ташкилот раҳбари имзоси

(унинг ваколатли вакили) _____ / _____ /

« _____ » _____ 20 ____ й.

М.Ў.

**ТЕКШИРУВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН
МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ**

№	Ф.И.Ш.	Малака гувоҳномаси билан тасдиқланган умумий аудитдаги умумий иш стажи, (йиллар сони)	Тегишли тармоқнинг йирик корхоналарида аудит ўтказиш тажрибаси (текширувлар сони)	Текширув ўтказилган корхоналар номи ва текширув ўтказилган йил
1	2	3	4	5
1.	1- мутахассис			
2.	2- мутахассис			
3.	3- мутахассис			
4.	4- мутахассис			
5.	5-мутахассис			

Ташкилот раҳбари имзоси

(унинг ваколатли вакили) _____ / _____ /

« _____ » _____ 20____й.

М.Ў.

**ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН
ХУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ**

(аудиторлик ташкилотининг номи)

№ т/р	Хужжатнинг номи	Варақлар сони
1	2	3
1	Очиқ хужжатлар	
	1	
	2	
	3	
	4	
	5	
	6	
	7	
	8	
	9	
2	Техник таклиф	
	1	
	2	
	3	
3	Молиявий таклиф	
	1	
	2	
	ЖАМИ	

Ташкилот раҳбари имзоси
(унинг ваколатли вакили) _____ / _____ /

« _____ » _____ 20 ____й.

М.Ў.